


Виждон эркинлиги ва
диний ташкилотлар.




Режа:

1. Ўзбекистон Республикасининг конституциясида: диний эътиқод эркинлигининг кафолатланиши.
 2. Ўзбекистонда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар туғрисида”ги ва бошқа қонунларнинг ҳаётга тадбиқ эътилиши.
 3. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган диний ташкилотлар.
- 


Виждон эркинлиги замирида шахснинг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар туради. Виждон эркинлиги кишиларнинг руҳий оламига, унинг соғлом ва баркамоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу масаланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва бажарадиган вазифалари ғоятда муҳимдир.

Инсоннинг, шахснинг қадр – қимматининг устивор қадрият сифатида эътироф этувчи ҳозирги дунёда, мазкур зиддият (диний дунёқараш билан дунёвий фикр ўртасидаги зиддият) инсоннинг эркин фикрлаш, хоҳлаган динга эътиқод қилиш эркига ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик эркига бўлган ҳуқуқини тан олишга айланади.




1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумий декларацияга муофиқ ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини узгартириш эркинлиги, ўз дини ёки эътиқодига ўзича шунингдек бошқалар билан биргаликда амал қилиш кафолатини иборатқилишида ва диний маросимларда якка тартибда ва одамлар орасида бирга қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади.

Бундан ташқари бу масалага яна бир мураккаб ҳодисани турли дунёқараш, эътиқодга бўлган кишилар ўртасидаги, давлат билан дин, диний ташкилотлар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг амалда ҳуқуқий таъминланганлигини ҳам назарда тутди.




Виждон эркинлиги ва эътиқод ҳурлигини кафолатловчи конституциявий қоидаларни амалда таъминлаш мақсадида давлатимиз “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” махсус қонун қабул қилинган ва унда инсоннинг шу масала юзасидан ҳуқуқини руёбга чиқаришнинг тизими (механизми) яратилган.

Дастлаб шу номдаги қонун 1991 йил 14 июнда қабул қилинган. Бу қонун демократик дунёвий давлатда диннинг ўрнини адолатли тарзда белгилаб беришда дастлабки ижобий қадам бўлди.




Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар
Маҳкамаси 1998 йил 26 мартда “Ижтимоий –
маънавий муҳитни янада соғломлаштириш,
диний ақидапарстликнинг олдини олиш чора
– тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди.
Ушбу қарор билан аҳолининг, айниқса
ёшларнинг дунёвий, илмий ахлоқий
салоҳиятини юксалтириш, уларга Ватанга
садоқат, миллий, маънавий ва умумбашарий
қадриятларга ҳурмат туйғуларини
кучайтириш, жамиятимизда диний
ақидапарастликнинг ҳар қандай
кўринишларини олдини олиш, сиёсий ва
ижтимоий – маънавий муҳитни янада
соғломлаштиришга қаратилган дастур
тасдиқланди.




“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунда демократик давлатнинг динга нисбатан тутган сиёсатининг ҳуқуқий асослари батафсил акс этган. Жумладан “Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан бирон – бир имтиёз ва чеклашлар белгиланиши йўл қўйилмайди”

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурасо ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади диний ва ўзга мутаносибликка ҳамда экстримизмга муносабатларини қарама – қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфециялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайди. (5 - модда)




Диннинг давлатдан ажратилганлиги қуйидагиларни назарда тутаяди:

1. Диний конфессиялар, ташкилотлар ва дин хизматлари фаолиятини бир мақсадга фуқароларнинг диний эҳтиёжларини қондиришига фақатгина диний ибодат ва маросимларни адо этишга йўналтириш (лозим бўлса уларни шу йўналиш доираси билан чегаралаш):
2. Диний муассаса ва ташкилотлар зиммасидан бирон бир давлат функциясини бажаришни соқит қилиш;
3. Давлат томонидан ҳеч бир диний конфедияга моддий ёрдам курсатмаслик ва уларнинг биронтасига нисбатан бирон бир имтиёз бермаслик.
4. Давлат диний ташкилотларнинг фуқаролар диний эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмаслик.






- Қуръони Каримда “динда мажбурлаш йўқ ” деган ҳикмат бор. Бу хур фикрлилик ва эътиқот эркинлигига бўлган хурмат ифодасидир. “Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдик уларнинг эҳтиёрларига, уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш, энг кам иш ҳаққининг 50 бараваридан 70 бараваригача миқдорида жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. ” (Ўз-н Рес Жиноят кодекси 145-моддаси)




- Диний экстримизм, сепаратизм ва ақидапарастлик гоялари билан йўғрилган қирғин солишга ёки фуқорони зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган, ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклларда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона взиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган ҳуқуқ атвор қоидаларига жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланса, энг кам иш ҳақининг 75-100 бараваргача миқдорда жарима ёки 6 ойгача ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилинади. (Ўз Рес Жиноят кодекси 24,41-моддалари).

Хозирги пайтда Ўзбекистонда қуйидаги диний марказлар мавжуд:

- Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси;
- Рус провасловие Черкови Епорхияси Бошқарувининг Марказий Осиёдаги маркази
- Евангелия Христиан Баптистларнинг Марказий Осиё буйича маркази
- Еттинча кун адвентистларнинг Марказий Осиё ва Кавказ орти буйича маркази.
- Ўзбекистон Евангелия Лутеран жамоалари Епархияси
- Ўзбекистон “библия жамияти”
- Ўзбекистон Рим католик черкови маркази




8. Кришнани англаш Ўзбекистон диний жамияти
9. “Чунань” христиан присвитериан диндорлар ташкилоти қонуннинг мазмунига кура, барча диний конференциялар тегишли марказларга эга бўлишлари, рўйхатдан ўтказилиши расмийлаштирилиши лозим.



Хозирги вақтда Ўзбекистонда бир қатор диний йўналишдаги ўқув юртлари фаолият курсатмоқда.


1. Имом ал-Бухорий олий ислом илмгохи
2. Имом Фахридин Ар-Розий ислом мадрасаси
3. Бухородаги Мир-Араб мадрасаси
4. Самарқанд христиан протестант диний семинарияси
5. Ахейтмимим Ўрта Осиё яхудий диний семинарияси
6. Эшон Бобохон номли ислом ўрта махсус билим юрти
7. Сайд Мухиддин махдум номли ислом ўрта махсус билим юрти.

Қонун хусусий тадбирда диний таълим беришни ман этади..(9-модда)




- Диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мулкый хайрларнинг, шунингдек, фуқоролардан тушган маблаҳлардан солиқ ундирилмайди. Уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятидан келадиган фойдадан, ижтимоий ташкилотлар корхоналарнинг олинадиган хажмда солиқ олишади. Ибодат диний расм-русум ва маросимлар ўтказиш маҳаллий ҳокимят томонидан тақиқланмоқда,

Бу қонун олдинги қонундан муҳим фарқи қуйидагича :



1. Мазкур қонунда диндорларнинг эркин эътиқод қилишига алоҳида эътибор берилган. Авваллари хар бир диний маросимга турли бахоналар билан танқидий баҳо берилган бўлса, эндиликда бунга чек қўйилган.
2. Қонунда диндорлар ҳам, дахрийлар ҳам Ўзбекистон қонунлари олдида тенг ҳуқуқлилиги курсатилган. Ундан ташқари авваллари диний ибодатхона очишлари учун 10 кишидан иборат фуқоролар Ўзбекистоннинг тегишли органларига ариза беришлари керак булган энди 100 кишига кўпайтирилди.
3. Қонун виждоний эътиқодга, унинг дунёвий ва диний шакилларига эрк беради, уларни мустақил, тенг мавжудлигини ва низосиз иш олиб боришларини таъминлайди, уларни қўллаб қувватлайди, ғайриқонуний тажаввуслардан химоя қилади





Эътиборингиз учун
рахмат.

